# КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ЯНА ҚЎЛИМИЗДА

*РЕСПУБЛИКА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҒИНИ ҚЎЛДАН БЕРМАСЛИК УЧУН СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАЙЛИК, КУНИГА 2 ПРОЦЕНТ ВА УНДАН ОШИРИБ ПАХТА ТАЙЁРЛАЙЛИК!*

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 211 (2244). | 23 октябрь, сешанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

## ЎЗБЕКИСТОН КИНЕМАТОГРАФИЯ ХОДИМЛАРИ СОЮЗИНИНГ БИРИНЧИ ТАЪСИС СЪЕЗДИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Кинематография ходимлари союзи Биринчи таъсис съездининг делегатларини ва улар орқали Совет Ўзбекистони кино санъатининг барча арбобларини қизғин табриклайди.

Улуғ Лениннинг донишмандлик билан айтганича, ҳамма санъатлардан энг оммавийси бўлган кино санъати бизнинг мамлакатимизда оммани коммунистик руҳда тарбиялашда партиянинг энг яқин ёрдамчиларидан бири, марксизм-ленинизм улуғ идеяларининг пропагандисти бўлиб қолди.

Совет киносининг муваффақиятларида республикамиз кинематографистлари меҳнатининг ҳиссаси ҳам бор. Улар бутун мамлакатда ва ундан ташқарида ҳам ҳаммага манзур бўлган бир қанча фильмлар яратдилар.

Партия совет халқини янги буюк ишларга, КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини бажаришга отлантирган, инсон бахт-саодатининг чўққилари сари — коммунизм сари ғолибона юриш мислсиз қаҳрамонлик билан амалга оширилаётган ҳозирги вақтда ўз санъатининг ҳамма тасвирий воситалари билан янги кишини — коммунизм қурувчисини тарбиялашга ёрдам бериш — бутун ижодкор интеллигенциянинг ва шу жумладан, кино ходимларининг шарафли бурчидир.

Кинематографистларнинг вазифалари партия Программасида ва КПСС Марказий Комитетининг «Бадиий кинематографияни ривожлантиришга раҳбарликни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорида аниқ белгилаб берилган. Бу қарор совет санъатининг равнақи тўғрисида партиянинг тинмай қилаётган ғамхўрлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Бизнинг замондошларимиз тўғрисида, ахлоқ кодексининг маънавий принципларини ўз хатти-ҳаракатлари учун норма қилиб олаётган совет кишиларининг маънавий дунёсини тўлиқ очиб берадиган ҳамда бадиий ва ғоявий жиҳатдан чинакам юксак ёрқин фильмлар яратиш кинематографистларимизнинг асосий вазифасидир.

Республиканинг форма ва мазмун жиҳатидан, услуб ва жанрлари жиҳатидан бой бўлган кино санъатини янада ривожлантириш вазифалари сценариячилар ва режиссерлар, операторлар ва актерлар, рассомлар ва композиторларнинг ижодий куч-ғайратини янада кўпроқ бирлаштиришни, уларнинг ғоявий-сиёсий савиясини ва бадиий маҳоратини оширишни қатъий талаб қилади.

Кинематографистлар муваффақиятларининг гарови — турмуш билан маҳкам ва чамбарчас боғланган бўлишдадир. Ижодий ходимлар ҳаёт жўш уриб турган жойдагина, халқ билан маҳкам ва доимий алоқа қилиб тургандагина юксак бадиий асарлар яратиш учун ғоялар ва образлар, материал ва сюжетлар топа оладилар.

Шубҳа йўқки, социалистик реализм принципларига содиқ бўлган Ўзбекистон кинематографистлари улуғ давримизга муносиб янги, тўлқинлантирувчи асарлар, республикамизда амалга оширилаётган улуғвор ўзгартишлар тўғрисида, совет кишиларининг юксак маънавий қиёфаси ҳақида, совет халқларининг партия томонидан тобланган улуғ бузилмас дўстлиги ва қардошлиги ҳақида асарлар яратадилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика кино санъатининг барча ходимларига янги ижодий муваффақиятлар тилайди ҳамда улар бутун кучларини, бутун талантлари ва қобилиятларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси улуғ Программасида олтин ҳарфлар билан ёзилган шарафли, олижаноб ва ғоят мурувватли вазифаларни бажаришга бағишлайдилар, совет халқига, севикли партияга бундан буён ҳам фидокорона хизмат қиладилар, илғор социалистик маданият байроғини баланд кўтариб борадилар, деб чуқур ишонч билдиради!

**ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**



**Фавзия Яруллина Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг моҳир механик-ҳайдовчиларидан биридир. У ўз агрегатидан унумли фойдаланиб, машина теримида юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Суратда: ўртоқ Ф. Яруллина.**

**В. Салов** фотоси.

## ЎЗБЕКИСТОН КИНЕМАТОГРАФИСТЛАРИ СЪЕЗДИ

22 октябрда Тошкентда Ўзбекистон кинематография ходимлари союзининг биринчи таъсис съезди бўлди.

Содиқ ленинчи, халқларнинг бахт-саодати ва бутун дунёда тинчлик учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Президиуми гулдурос қарсаклар билан съезднинг фахрий президиумига сайланади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика кинематографистлар союзининг биринчи таъсис съездига табригини ўқиб эшиттиради.

Ўзбекистоннинг кекса режиссери Комил Ёрматов қардош республикалардан — РСФСР, Украина, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжондан келган меҳмонларни самимий табриклади.

Ўзбекистон кинематографистларининг съездига совет киносининг кўпгина атоқли арбоблари — СССР Кинематография ходимлари союзи Ташкилот комитетининг Раиси И. А. Пирьев, СССР кинематография ходимлари союзи Ташкилот комитетининг секретари Г. Б. Марьямов, кинорежиссер Р. Г. Григорьев, кино танқидчиси И. В. Вайсфельд, драматург Д. Я. Храбровицкий (Москва), украин режиссёри И. Ф. Швачко, озарбайжон режиссёри Ш. Н. Шейхов, «Туркменфильм» студиясининг директори А. С. Ксенофонтов, туркман режиссёри Т. М. Собиров, «Таджикфильм» студиясининг директори Н. А. Исломов, Тожикистон кинематографистлари союзининг секретари Д. К. Дудкин, қозоқ режиссёри С. Хожинов, «Киргизфильм» режиссёри Д. И. Эдман келдилар.

Ўзбекистон кинематография ходимлари союзи ташкилот бюросининг Раиси Латиф Файзиев «Коммунистик қурилиш ва Ўзбекистон кино санъатининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Съезд делегатлари ғоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрикнома қабул қилдилар.

Съезд ишларида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Ё. С. Насриддинова, А. Ҳайдаров, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидат Қ. Муртазоев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимовлар қатнашди. (ЎзТАГ).

## ПЕШҚАДАМЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети бу йилги ҳосилни йиғиб-териб олиш ҳамда уни давлатга сотиш юзасидан районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу йил октябрь ойи иккинчи ўн кунлиги якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Қуйи Чирчиқ районида** қолдирилди (район партия комитетининг секретари **С. Тоиров,** район ижроия комитетининг раиси **Ли И. А.,** район комсомол комитетининг секретари **Пак Е. В.** ўртоқлар). Бу район давлатга пахта сотиш йиллик планини 103,54 процент, пахтани қоп-қанорсиз ташиш планини 103 процент бажарган, ўтган ўн кунликда давлатга 20,96 процент миқдорида пахта сотган ва машинада пахта териш юзасидан берилган топшириқни 138,78 процент адо этган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оржоникидзе районига** берилди (район партия комитетининг секретари **Қ. Маҳкамова,** район ижроия комитетининг раиси **Ф. Бобожонов,** район комсомол комитетининг секретари **А. Абдувалиев** ўртоқлар). Бу район бўйича пахта тайёрлаш йиллик плани 86,4 процент миқдорида бажарилган, пахтани қоп-қанорсиз ташиш плани 120,12 процент адо этилган, ўтган ўн кунликда давлатга 19,46 процент пахта сотган ва машинада пахта териш топшириғини 78,40 процент бажарган. Байроқ Чиноз районидан олиб берилади.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Гулистон районидаги **«Правда» совхозига** берилди (директори **У. Юсупов,** партия ташкилотининг секретари **Ф. Турсунов,** ишчилар комитетининг раиси **С. Каримов** ўртоқлар). Бу совхоз коллективи пахта тайёрлаш йиллик планини 63,67 процент миқдорида бажарган ва ўтган ўн кунликда 22,79 процент пахта сотган. Байроқ Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхозидан олиб берилади.

Пахта йиғим-теримида намуна кўрсатиб ишлаган хўжаликларга сотиш учун Қуйи Чирчиқ ва Оржоникидзе районларига иккитадан ва «Правда» совхозига битта автомашина ажратилди.

Ўтган ўн кунликда Чиноз ва Янгиер районларининг яхши ишлаганлиги қайд қилинди.

* * *

Область партия комитети ва область ижроия комитети давлатга сабзавот, картошка ва полиз экинлари маҳсулотлари сотиш юзасидан районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 10 октябрдан 20 октябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районига** берилди (район партия комитетининг секретари **А. Алимов,** район ижроия комитетининг раиси **М. Убайдуллаева,** район комсомол комитетининг секретари **И. Исматуллаев** ўртоқлар). Бу район ўтган ўн кунликда давлатга 4,8 процент сабзавот, 5,5 процент картошка, 2,3 процент полиз экинлари маҳсулотлари сотишга эришган ва сабзавот сотиш йиллик планини 84,9 процент, картошка 55,4 процент ҳамда полиз экинлари маҳсулотлари сотиш планини 129,1 процент бажарди. Байроқ Пискент районидан олиб берилади.

Илғор хўжаликларга сотиш учун Калинин райони ихтиёрига битта автомашина юборилади.

Сабзавот, картошка ва полиз экинлари маҳсулотлари сотиш юзасидан ўтган ўн кунликда Бўстонлиқ ва Пискент районларининг яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

## ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети пахта териш ва давлатга топшириш юзасидан областлар ҳамда республика территориал ишлаб чиқариш бошқармалари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1962 йил октябрь ойи иккинчи ўн кунлик якунини қараб чиқиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Хоразм областига** беришга қарор қилдилар (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Шамсутдинов,** область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Муродов,** область комсомол комитетининг секретари ўрток **Қўчқоров,** қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Оратовский,** пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Суторихин**), бу область октябрнинг иккинчи ўн кунлигида давлатга йиллик планнинг 16,23 проценти миқдорида пахта сотиб, пахта тайёрлаш йиллик планини 54,31 процент бажарган. Қизил байроқ Андижондан олиб берилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент областида** қолдирилди (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Абдураззоқов,** область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Шайхов,** область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Тошхўжаев,** қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Руцкий,** пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Нишонбоев**), бу область октябрнинг иккинчи ўн кунлигида давлатга йиллик планнинг 14,65 проценти миқдорида пахта сотиб, пахта тайёрлаш йиллик планини 62,1 процент, пахтани машинада териш планини 50,02 процент, қоп-қанорсиз ташиш планини 77,29 процент бажарган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент территориал ишлаб чиқариш бошқармасига** берилди (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Нестеров,** область партия комитетининг партия ташкилотчиси ўртоқ **Қирғизбоев,** область комсомол комитетининг комсомол ташкилотчиси ўрток **Саидалиев**), бу бошқарма пахта тайёрлаш йиллик планини 90,27 процент, пахтани машинада териш планини 78,39 процент бажарди, октябрнинг иккинчи ўн кунлигида машинада 29,97 процент миқдорида пахта териб, давлатга йиллик планнинг 20,46 проценти миқдорида пахта сотди. Қизил байроқ Янгийўл территориал ишлаб чиқариш бошқармасидан олиб берилди.

Самарқанд области ва Қорақалпоғистон АССРда пахта териш ва сотиш яхши ташкил этилганлиги қайд қилинди.

Пахта териш ва уни давлатга сотишда намуна кўрсатган колхоз ва совхозларга сотиш учун Тошкент ва Хоразм область ижроия комитетларига 5 тадан юк автомашинаси ва биттадан енгил машина ажратилди. Тошкент территориал ишлаб чиқариш бошқармасига илғор колхоз ва совхозларга сотиш учун (машина теримини ҳисобга олган ҳолда) 2 та юк автомашинаси, социалистик мажбуриятни бажариш учун бошланган мусобақада ғолиб чиққан илғорларга сотиш учун битта енгил машина ажратилди.

## Г. ГЕОРГИУ-ДЕЖ ВА И. Г. МАУРЕР ТОШКЕНТДА

Индонезия, Ҳиндистон ва Бирмага қилган сафарларидан қайтиб келаётган Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Руминия Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Георге Георгиу-Деж ва Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ион Георге Маурер 22 октябрда Тошкентда тўхтаб ўтдилар. Руминия Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Корнелиу Мэнеску ва Руминиянинг бошқа расмий кишилари ҳам бирга келдилар.

Руминия Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР нинг давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэродромида КПСС Марказий Комитети президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Г. Ф. Наймушин, Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Қ. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, республика Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Р. Н. Нишонов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари уларни кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Руминия Халқ Республикасининг СССР даги элчиси Н. Гуинэ ҳам бор эди. (ЎзТАГ).

## *САНОАТИМИЗ ЮКСАЛИШДА*

### Областимиз саноатида 1962 йилнинг 9 ойи мобайнида давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида Тошкент область ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларининг ахбороти

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноати ходимлари КПСС XXII съезди тарихий қарорларини амалга ошираборибҳамда октябрь олди социалистик мусобақасини авж олдириб, 1962 йилнинг 9 ойлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш планини 103 процент қилиб адо этдилар.

Тўққиз ой мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 13 процент кўпайди.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўққиз ойлик плани қуйидагича бажарилди:

| | 1962 йилнинг 9 ойида планнинг бажарилиши (процент ҳисобида) | 1962 йилнинг 9 ойида 1961 йилнинг 9 ойдагига нисбатан (процент ҳисобида) |
|---|---|---|
| Ўзбекистон ССР Совнархози корхоналари | 103 | 114 |
| Тошкент шаҳар ижроия комитетининг саноат бошқармаси | 101 | 103 |
| Тошкент область ижроия комитетининг саноат бошқармаси | 100 | 76,6 |
| Республика министрликлари ва бошқармалари корхоналари | 105 | 120 |
| Иттифоқ министрликлари ва бошқармалари корхоналари | 101 | 119 |

Бир қанча муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш тўққиз ойлик плани ортиғи билан бажарилди. Пландагидан ташқари 87 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди, 131,5 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинди, 18 дона экскаватор, 6 дона пахта териш машинаси, 215 та культиватор, 481 та трактор прицеплари, 30 минг тонна цемент, 110 минг дона шартли плита шифер, 42 тонна қоғоз, 230 минг дона устки ва 184 минг дона ички трикотаж, 37 минг жуфт пойафзал, 40 минг декалитр узум виноси, 83 миллион дона папирос ва сигареталар, 241 тонна совун ва жуда кўп миқдорда бошқа саноат маҳсулоти турлари тайёрланди.

1962 йилнинг тўққиз ойи мобайнида саноат маҳсулотининг асосий турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

| | 1962 йилнинг 9 ойида ишлаб чиқарилган | 1962 йилнинг 9 ойида 1961 йилнинг 9 ойидагига нисбатан (процент ҳисобида) |
|---|---|---|
| Кўмир — минг тонна | 3498 | 113 |
| Электр қуввати (район электростанциялари ва блок станцияларида ҳосил қилингани) — миллион киловатт-соат | 3887 | 109 |
| Экскаваторлар — дона | 608 | 109 |
| Кўприк кранлари — дона | 614 | 137 |
| Тракторлар — дона | 6398 | 98 |
| Трактор культиваторлари — дона | 11215 | 124 |
| Пахта териш машиналари — дона | 4406 | 163 |
| Кўрак чувийдиган машиналар — дона | 1780 | 183 |
| Трактор прицеплари — дона | 12481 | 152 |
| Компрессорлар — дона | 865 | 145 |
| Трансформаторлар — минг киловольт ампер | 503 | 3 баравар |
| Кимё асбоб-ускуналари — минг сўмлик | 7190 | 101 |
| Брон кабели — километр | 5911 | 117 |
| Бинокорлик ғишти — минг дона | 437129 | 99 |
| Цемент — тонна | 684815 | 179 |
| Йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари (қурилишларда тайёрлангани бу ҳисобга кирмайди) — кубометр | 461183 | 128 |
| Асбоцемент шифери — минг дона шартли плита | 22610 | 103 |
| Асбоцемент трубалари — шартли километр | 1107 | 107 |
| Деразэ ойнаси — минг квадрат метр | 2070 | 152 |
| Қоғоз — тонна | 7291 | 98 |
| Пахта толаси — тонна | 103801 | 120 |
| Газ плиталари — дона | 33543 | 110 |
| Рўзғор холодильниклари — дона | 8557 | 156 |
| Ип газламалар — минг квадрат метр | 126221 | 99 |
| Устки трикотаж — минг дона | 1615 | 118 |
| Ички трикотаж — минг дона | 5659 | 100 |
| Чарм пойафзал — минг жуфт | 7180 | 101 |
| Юмшоқ кўн товарлари — минг квадрат дециметр | 28716 | 112 |
| Қаттиқ кўн товарлари — тонна | 2032 | 117 |
| Мебель — минг сўмлик | 8743 | 113 |
| Ўсимлик мойи — тонна | 21858 | 141 |
| Ёғи олинмаган сут маҳсулотлари — тонна | 39201 | 100 |
| Мол ёғи — тонна | 300 | 124 |
| Гўшт (давлат хомашё ресурсларидан) — тонна | 19971 | 95 |
| Колбаса маҳсулотлари — тонна | 9408 | 112 |
| Консервалар — шартли минг банка | 44670 | 108 |
| Нон маҳсулотлари — тонна | 136020 | 103 |
| Кондитер маҳсулотлари — тонна | 12343 | 94 |
| Узум виноси — минг декалитр | 966 | 108 |
| Папирос ва сигареталар — миллион дона | 2733 | 94 |
| Совун — тонна | 7398 | 157 |

Шу йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг ана шу давридагига нисбатан кўмир 423 минг тонна кўп қазиб чиқарилди, электр қуввати 321 миллион киловатт-соат, экскаваторлар 51 дона, кўприк кранлари 167 дона, трактор культиваторлари 2188 дона, пахта териш машиналари 1708 дона, кўрак чувийдиган машиналар 832 дона, компрессорлар 269 дона, цемент 302 минг тонна, йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари 101 минг кубометр, асбоцемент шифери 704 минг шартли плита, асбоцемент трубалари 68 шартли километр, дераза ойнаси 709 минг квадрат метр кўп ишлаб чиқарилди.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш кўпайди. Газ плиталари 3151 дона, рўзғор холодильниклари 3057 дона, устки трикотаж 250 минг дона ва ички трикотаж 3 минг дона кўп тайёрланди. Чарм пойафзал 73 минг жуфт, мол ёғи 58 тонна, ўсимлик мойи 6400 тонна, колбаса маҳсулотлари 985 тонна, консервалар 3291 минг шартли банка, совун 2695 тонна кўп ишлаб чиқарилди.

Ўтган йилнинг 9 ойидагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш анча кўпайганлигига қарамай, кимё асбоб-ускуналари, йиғма темир-бетон конструкциялари, кўприк кранлари, тракторлар, трактор сеялкалари, кўрак чувийдиган машиналар ва бошқа бир қанча саноат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқариш 9 ойлик плани бажарилмади.

Шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида Тошкент область ва Тошкент шаҳар корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, янги, янада юқори унумли технология процессларини жорий қилиш бўйича ишлар давом эттирилди. Рационализатор ва ихтирочилар сафи анча кенгайди, улар томонидан тушган таклифлар кўпайди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича 9 ойлик план умуман 102 процент, шу жумладан Тошкент области бўйича 103 процент, Тошкент шаҳари бўйича 102 процент қилиб бажарилди.

Меҳнат унумдорлиги 1961 йилнинг шу давридагига қараганда 7 процент ошди. Айни вақтда бир қанча корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича топшириқларни бажармади.

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**




# Мирзачўл—



Суратда: Мирзачўлнинг машъал пахтакорларидан бир группаси; (чапдан) «Правда» совхози биринчи бўлимининг бригада бошлиғи Эшмурод Шомуродов, «Малик» совхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Жавод Кўчиев, Сирдарё районидаги «Ленинград» колхози бригада бошлиғи Нурсина Богоутдинова ва Комсомол районидаги «Красная заря» колхозининг бригада бошлиғи Бўрибек Ўсканов ўртоқлар.

## ВОДИЙНИНГ ШЕРЛАРИ

Сокин, оқ ойдин кечада самога бир назар ташланг. Бепоён бўшлиқда саноқсиз юлдузлар чарақлаб туради. Уларнинг бир туркуми хирагина милт-милт қилади, бир туркуми кўзингизга аниқ кўринади. Яна бир тоифа юлдузлар борки, улар ёрқин нур сочадилар. Ой чиқмаган тунларда ҳам шу юлдузлар нуридан осмон ёришиб туради.

Одамларни ҳам юлдузларга ўхшатиш мумкин. Улар хулқ-атворлари билан, ақл-заковатлари, меҳнатлари билан бир-биридан ажралиб турадилар. Бошқача қилиб айтганда, одамлар орасида ҳам чарақлаган юлдузлардек ёруғ нур сочиб турганлари бор.

Яқиндан бери ўзбек тили луғатига «Чўл қуваётганлар», «Чўл қаҳрамонлари» сингари иборалар кириб келди. «Мирзачўл шерлари» ҳам шундай иборанинг биттаси. Мирзачўллик Ғанишер Юнусовни ҳамма билади. Қирқинчи йил эсимизда, у Андижондан чўлга кўчиб келиб, меҳнат дафтарчаси олганда исм-фамилиясини «Ғани Юнусов» деб ёздирган эди. Бир йил ўтди. Газета ва журналларда «Ғани Юнусов бир кунда 400 кило пахта терди» сингари ҳабарлар учраб қолди. Уни звеноликка, кейин бригадирликка кўтардилар. Янги ер очди. Мўл ҳосил етиштиришда рекорд қўйди. Эл оғзига тушди. Одамлар уни Ғанишер Юнусов деб атадилар. Мана энди унинг исм-фамилияси олдига «Машҳур пахтакор» ибораси ҳам қўшиб ишлатиладиган бўлиб қолди.

Ғанишер ака ёлғиз эмас. Унинг қанотида ўнлаб Мирзачўл шерлари бор. Сирдарёлик Ҳакимжон Рустамов, Абдуллажон Тўйчиев, Сейфат Ғафуров, Жавод Кўчиев, гулистонлик Иброҳим Юсупов, Парамис Ҳасанов, комсомоллик Ортиқбой Отақулов, Нажмиддин Эркабоев ўртоқлар шундай кишилар.

Хабарсиз қолибмиз, шерларимиз қаторига янги шерлар қўшилибди. Комсомол районидаги «Красная заря» колхозида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Лолахон Эрбўтаева билан Абдураҳмон Султоновлар дараксиз бўлиб кетди деб куюнар эдик. Худди шу колхоздан Бўрибек Ўсканов деган норғул йигит чиқибди. 9 йилдан бери бригадир экан-у, 30 центнердан пасаймай ҳосил кўтариб келаркан. Олтмиш биринчи йилда роса 34 центнердан «оқ олтин» берибди. Бу йил 40 центнер учун кураш бошлаб, планни бажарай деб қўйибди. Қўшни Фрунзе номли колхоздаги коммунист Азамат Анорбоев Бўрибекдан ҳам ўтаман дейди.

Гулистон районида Правда номли совхоз вужудга келди. Олтмиш биринчи йилда унинг ўрни ҳувуллаган чўл эди. 1962 йил кўкламда янги совхоз илк бор 4558 гектар ерга чигит экди. Пахта очилди ҳам. Аммо чўл қуваётганлар оғир машаққатларни енгиб ўтдилар. Гапирсак баъзи одамлар ишонмас. Чигит униб чиқиб, ғўза энди кўзга кўринганда фавқулодда ҳодиса юз берди. Сон-саноқсиз тошбақа пайдо бўлиб, ғўзага чигирткадай ёпирилди. Экинни ер билан яксон қилиб кетаверди. Бу чўл қаҳри-заҳрининг кичик бир манзараси эди, холос.

Шундай оғир шароитда ҳам Эшмурод Шомуродов сингари кишилар мўл ҳосил етиштирдилар. Эшмуроднинг бригадаси 136 гектар ернинг 80 гектарини бир марта териб, сентябрь охирида планни бажарди. Демак, 25 центнердан ҳосил кўтарамиз деб бежиз лафз қилишмаган. Бундай ишни эр йигитлар, шер йигитлар қилади холос.

Саримсоқ ота исмли камтарин деҳқон айтган гап эсга тушиб қолди. Ўттиз уч-ўттиз тўртинчи йилларда бир арава пахта ортсак, колхознинг бир процентини ташкил қиларди, дейди у. Ҳозир ҳам Саримсоқ ота Ашуров ўша колхозда — Комсомол районида «Красний Восток» номли қишлоқ хўжалик артелида ишлайди. Энди унинг колхози эмас, бригадасининг бир процент пахтаси 2 машинага аранг сиғади.

Янгиер районидаги «Фарҳод» совхози кечагина ташкил топган. Унинг Ҳусан Отабоев, Набижон Жўраев, Ориф Бобоев, Ўскан Ирсолиев сингари шер йигитлари бор. Чўл қуваман, «оқ олтин» ундираман деб ният қилиб, гўзал Фарғонадан чўлга кўчиб келган Исломжон Абдуллаевни олинг. Унинг бригадаси бу йил ҳар ишчи ҳисобига 59 тоннадан пахта етиштириш учун курашяпти. Эллик тўққиз эмас, балки олтмиш тоннадан ҳам бўлар. Янгиерлик Шарофат Бозорова билан Холбуви Тўраева, бекободлик Адолат Рўзиматова билан Рашида Соликаева, гулистонлик Сорахон Шодмонова билан Гулзода Анорқуловалар ҳам улуғ ишга дадил туриб даст урган фидокор кишилардир. Замон ўзгармоқда, одамлар ўзгармоқда. Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса кишиларнинг бахт-саодати учун, шуни ўйлаймизу, кенг қулоч ёзиб, жавлон уриб ишлаймиз, деб хитоб қиладилар одамлар.

Давр биз билан, даврон биз билан,
Бизникидир шуҳрат-шон!

деб куйлаган шоир ҳам коммунизм қурилиши давридан илҳом олгандир.

**С. СУЛТОНОВ.**

## ТУГАНМАС БОЙЛИК МАКОНИ

Кўп асрлар давомида Ўрта Осиёнинг захматкаш халқи орасида кўп эртаклар оғиздан-оғизга кўчиб юрган. Бу эртакларда айтилишича, қачонлардир Мирзачўлга Фарҳод исмли баҳодир йигит келади. У қайсар Сирдарёни жиловлаб унинг сувини қақраб ётган чўлга оқизади. Шундан кейин чўл бутун бойлигини халқ дастурхонига тўкади. Ҳувиллаган чўлда ажойиб боғлар, бепоён экинзорлар вужудга келади.

Бу бир ҳаёлий эртак эди, холос. Улуғ Октябрь революцияси туфайли меҳнаткаш халқ орзу қилган кун келди. Революция чўлга ҳужум бошлаш учун кенг йўл очиб берди. 1918 йил 17 майда Владимир Ильич Ленин Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги декретга қўл қўйди. Ўша кундан бошлаб каналлар қазиш, янги ерлар ўзлаштириш ишлари кенгайиб кетди. Ҳозир чўлни ўзлаштириш шундай суръат билан бормоқдаки, бундай суръатни фақат эртакларда эшитиш мумкин эди. Бу ерга турли қардош мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳам чўл ўзлаштираётган кишиларнинг ғайрат-шижоатига тасанно ўқимоқдалар. Рост, Мирзачўл гуллаб яшнамоқда. Тез кунда шундай пайт келадики, Мирзачўлнинг сулув боғларидан, яшил қишлоқларидан, зилол сувли анҳорларидан Фарғона ҳасад қиладиган бўлади. Албатта шундай бўлади.

Ўтган асрдаёқ Мирзачўлни ўзлаштириш учун кураш бошланган эди. Чор Россияси янги ерларни экин майдонларига айлантириш, каналлар қазиш учун кўп марта уриниб кўрди. Лекин бу уринишлар жуда кам натижа берди. Совет ҳокимияти йилларидагина чўлга чинакамига ҳужум бошланди.

Мирзачўлни ўзлаштиришга катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Аввало бу ернинг иқлими деҳқончилик учун, хусусан пахтачилик учун анча қулай. Бир йилда 250—300 миллиметр ёғин ёғади, 200—230 кун иссиқ ҳарорат сақланади. Бунинг устига Мирзачўл йирик саноат марказлари ва сув манбаларига яқин туради. Шуларнинг ҳаммаси бу зонада мўл ва арзон маҳсулотлар етиштириш имкониятини беради.

1956—1960 йилларда «Главголодностепстрой» ирригация иншоотлари қуриш ва бўз ерларни ўзлаштириш юзасидан бир қанча ишларни амалга оширди. 126 километр узунликда бўлган Жанубий Мирзачўл канали қазилди. Бу канал 354 минг гектар янги ерни суғоради.

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишларига асосан «Главголодностепстрой»нинг янги ерларни ўзлаштириш бошқармаси раҳбарлик қилади. Бу бошқарма фақат янги ерлар очиш, уларни суғориш билангина чекланиб қолмай, бу ерларда йирик совхозлар ташкил қилиш ва тайёрланган ерлардан вақтинча фойдаланиш ишларини ҳам бажаради.

Бошқарма янги очилган ерларда суғориш маданиятини яхшилашга катта эътибор бермоқда. Совхозлар ичидаги суғориш шохобчалари асосан темир-бетон тарновлардан қурилмоқда. Шунингдек айрим совхозлар «Фарҳод» совхозининг 5, 6-бўлимларидаги сингари ёпиқ трубалар орқали экинни суғоради. Сунъий ёмғир ёғдириш агрегатлари орқали суғориладиган майдонлар ҳам анчагина ерни ташкил қилади.

1956—1961 йиллар давомида «Главголодностепстрой» 82 минг гектар янги ерни экишга тайёрлаб берди. Шу ерларда ташкил топган 4, 5, 6-совхозлар 1961 йилдан бошлаб пахта ва бошқа экинлар экмоқдалар. 1962 йили яна 5 йирик совхоз ташкил қилинди. Бу совхозларнинг ҳаммаси биргаликда 43 минг гектар ерга экин экдилар. Шундаң 34 минг 800 гектари пахтадир.

Мирзачўлни ўзлаштириш бутун жамоатчиликнинг диққат марказида турибди. Бу ерда бораётган ишларни проектлаш билан Москва, Тошкент, Олмаота ва Душанба сингари шаҳарларнинг 19 та махсус проектлаш институти шуғулланмоқда.

Етти йилликнинг қолган даврида Мирзачўлда яна 200 минг гектар ер ўзлаштирилади ва сув билан таъминланади. 1975 йилларга бориб ўзлаштирилган ерларнинг жами бир миллион юз минг гектарга боради. Бу — яқин 10—15 йил ичида Мирзачўл мамлакатнинг битмас-туганмас ноз-неъматлар етиштириладиган зонасига айланади демакдир.

Жанубий Мирзачўл канали Мирзачўлнинг асосий қон томиридир. Бу канал орқали суғориладиган ерларда 36 та йирик пахтачилик совхози ташкил қилиш мўлжалланмоқда. Мирзачўлнинг келажаги порлоқ. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, чўлнинг янги очилган ерларидан 1961 йилда 13 минг 965 тонна пахта олинган эди. Бу йил 35 минг 685 тонна ҳосил етиштириш планлаштирилган. Келгуси йилда эса пахта майдонлари анча кенгайиб, ишга тушган янги совхозларда ҳосилдорлик ҳам ортади. 1963 йилда 59 минг 600 тонна пахта етиштириш мўлжалланмоқда. Бу 1961 йилдагига нисбатан салкам 46 минг тонна кўпдир.

«Главголодностепстрой» чўл қуваётганлар учун энг қулай шароит яратиш хусусида талайгина ишларни бажарди. Қисқа муддат ичида 354 минг квадрат метр уй-жой қурилди. Салкам 8 минг ўринга эга бўлган 25 мактаб бунёдга келди. Шунингдек 47 та болалар боғчаси ва яслиси, 6 та касалхона ва поликлиника, 11 та фельдшер-акушерлик пункти, 2 та аптека қурилди. Кишиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш хусусида бундан бошқа яна талай ишлар қилинди. 28 ҳаммом, 34 ошхона, 12 чойхона, 37 магазин, 36 ёзги клуб ва кинотеатр қурилганлиги бунинг мисолидир.

Янги ўзлаштирилган ерларда обод ва ҳар томонлама қулай ишчи посёлкалари, шаҳарчалар вужудга келмоқда. Икки қаватли қилиб қурилаётган бинолар электр нури ва газ билан тўла таъминланмоқда. «Главголодностепстрой» Янгиер шаҳри ва янгидан ташкил топган совхозлар орасида 200 километрдан ортиқроқ канализация линиясини ўтказди. 300 километр водопровод, 650 километр электроэнергия линияси қурилди. Айниқса йўллар қурилиш соҳасида катта ишлар қилинди. Чунки бу нарса қурувчилар учун катта қулайликлар туғдиради, қурувчилар билан қурилиш материаллари етказиб берадиган ташкилотлар орасидаги алоқани мустаҳкамлайди. Шу кунгача янги ерларда 800 километрдан ортиқ асфальтланган йўллар қурилди. Бу иш бундан буён ҳам жадаллик билан олиб борилади.

Мирзачўлни ўзлаштиришга Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон республикаларининг меҳнаткашлари жуда катта эътибор бермоқдалар. Қозоғистон территориясида 5 миллиард 700 миллион кубометр сув сиғадиган Чордара сув омбори жадал суръатлар билан қурилмоқда. Тожикистон территориясида 39 минг гектар ерни сув билан таъминлайдиган кучли насос станцияси барпо этилмоқда. Ўзбекистон территориясида эса 146 минг гектар ерни суғорадиган Марказий шохобча канали, 16,5 минг гектар ерни сув билан таъминлайдиган Қўрғонтепа канали вужудга келди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси яқин йиллар ичида Мирзачўлда 100 дан ортиқ йирик пахтачилик совхози, шунингдек бир неча боғдорчилик совхозини барпо этишга имконият очиб беради.

Мирзачўлда ана шундай буюк ишлар қилинмоқда. Қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчев кейинги вақтда чўлни ўзлаштирувчилар ўлкасида икки марта бўлиб, янги ерларни тезроқ ва сифатлироқ ўзлаштириш юзасидан қимматли маслаҳатлар берди. Бу ердаги ишларни чуқур таҳлил қилиб кўриш орқасида шу нарса маълум бўлдики, янги ерлардан олинаётган пахта ва бошқа маҳсулотлар жуда қисқа муддат ичида қилинган сарф-ҳаражатларни қопламоқда. Кўп ўтмай Мирзачўл жуда арзон пахта етиштирадиган, ҳамма ишлар механизация кучи билан бажариладиган гигант бир водийга айланади. Бу, В. И. Ленин ғояларининг амалга ошаётганлигидан далолат бериб турибди.

**Х. КОМИЛОВ,**

**«Главголодностепстрой» янги ерларни ўзлаштириш Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

*МИРЗАЧЎЛ МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ЎЛКАСИ, ЧИНАКАМ ОЛТИН ЎЛКА БЎЛИБ ҚОЛДИ. БУ ЕРДА «ОҚ ОЛТИН» ТОБОРА КЎП МИҚДОРДА ЕТИШТИРИЛМОҚДА. МАНА ШУ ҚЎРИҚ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШГА САРФЛАНАЁТГАН МАБЛАҒЛАР ТЕЗДА ҚОПЛАБ ОЛИНМОҚДА. ШУНИНГ УЧУН МИРЗАЧЎЛДА ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН КЎПАЙТИРМОҚ КЕРАК.*

**Н. С. ХРУШЧЕВ.**

## СУВ КЕЛАР ГУЛДУР-ГУЛДУР...

Чўлда янги ташкил топаётган совхозларнинг далаларини кезган кишининг диққат-эътиборини даставвал карталар четига қурилган лентасимон тарновлар ўзига жалб қилади. Бу иншоот, гарчи қўриқ ерликлар учун одатдагидай бўлиб кўринса-да, янги келганларда катта қизиқиш уйғотиши турган гап. Узоқдан энди қурилаётган йирик иморатнинг пойдеворига ўхшаб кўринадиган бу темир-бетон тарновлар-чўлга сув чиқаришнинг янги усули, уларни қисқача лотоклар деб атаймиз.

Мирзачўл зонасида суғоришнинг лоток системасига ўтиш иқтисодий жиҳатдан кўп афзалликлар беради. Бу лотоклар дастлаб заводда йиғма деталлар шаклида тайёрланиб, сўнг далага келтирилади. Деталлар қудратли механизация воситасида йиғилиб, тайёр темир-бетон ариқлар ҳосил қилинади. Қарабсизки, бу ариқлардан сувлар гулдур-гулдур оқа беради. Шундай қилинганда сувнинг ортиқча сарфланишига йўл қўйилмайди, ариқ-зовурларни тозалашга кетадиган ишчи кучи ва қўшимча ҳаражатлар тежаб қолинади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев яқинда Мирзачўлда бўлганида суғоришнинг бу янги усулига юқори баҳо бериб, уни янада такомиллаштириш ҳусусида қимматли йўл-йўриқлар кўрсатди.

Заводимизда бундай лотокларни ишлаб чиқаришга 1960 йилда киришилган эди. Ўшанда дастлабки маҳсулотимизни—5000 та лотокни тайёрлаб колхоз ва совхоз далаларига жўнатганмиз. Бу йил камида 60 мингта лоток ишлаб чиқаришимиз планлаштирилган.

Етти йиллик тўртинчи йилининг ўтган ойлари ичида умумий узунлиги 280 километр келадиган, бошқача қилиб айтганда 28 минг кубометр йиғма темир-бетон тарновлар ишлаб чиқариб, белгиланган топшириқни ортиғи билан бажардик. Ҳозирга қадар барча ишлаб чиқарган лотокларимиз салкам 400 километрни ташкил этади. Янги ерларда бизнинг маҳсулотимиздан барпо этилган ҳамма ариқларнинг умумий узунлиги 270 километрдан ошиб кетди.

Лотокларни сифатли қилиб тайёрлаш учун барча тадбирларни кўрмоқдамиз. Заводдагилар бракка қарши курашни қизитиб юборганлар. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида брак маҳсулот ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробар камайтирилганлиги фикримизнинг далилидир.

Мирзачўл зонасида янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш шахобчаларининг янада кенгайиб бораётганлигини назарда тутиб, йиғма тарновлар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтирамиз. Келаси йилда камида 50 минг, етти йилликнинг охирига бориб 100 минг кубометр ҳажмда лотоклар ишлаб чиқаришимиз лозим. Шунинг учун ҳам ҳозир корхонани кенгайтириш, ёрдамчи цех ва полигонлар қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Заводимизнинг барча ишчилари, инженер-техник ходимлари янги ер ўзлаштираётган азаматларнинг заказларини ҳамиша муддатидан илгари адо этишга астойдил бел боғлаганлар. Айниқса мастер В. Головков бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи, М. Черкашин, А. Анисенко, Р. Пак ўртоқлар раҳбарлигидаги бригадаларнинг фидокор ишчилари топширилган вазифага сидқидиллик билан қараб, уни кўнгилдагидек адо этишда барчага намуна бўлаётирлар.

**В. БРЕХОВ,**

**Бекободдаги темир-бетон буюмлари заводининг цех бошлиғи.**

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Совет ҳокимияти барпо қилинмасдан аввалги 90 йил давомида Мирзачўлда фақат 34 минг гектар ер суғорилган эди. 1956 йилда суғориладиган ерлар 206 минг гектарга етди.
- Жанубий Мирзачўл каналидан секундига 300 кубометр сув оқади. Бу канал 354 минг гектар ерни сув билан таъминлайди.
- Мирзачўлни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ишларни ҳал қилишда иттифоқ ва республикаларнинг 19 та илмий-текшириш институти қатнашмоқда.
- Бекободдаги темир-бетон буюмлари заводи 1960 йилдая шу кунгача 400 километр узунликда йиғма темир-бетон тарновлари тайёрлади. Янги ерларда бу тарновлардан 270 километрдан ортиқроқ канал қурилди.
- Янгиер районидаги 1-«Боёвут» совхози кейинги 10 йил ичида 160 минг тонна пахта етиштирди. Бу пахтадан бир миллиард метр батис тўқиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда бу батис ер шарига 25 қаватли белбоғ бўлади.
- Мирзачўлни ўзлаштириш охирига етказилса мамлакат бир миллион гектардан ортиқроқ экин майдонига эга бўлади. Бу ерлар ҳисобига ҳар йили 2 миллион тонна пахта, 540 минг тонна сут ва 75 минг тонна гўшт олиш мумкин.



— Колхозимизда анор экмайдиган хонадон йўқ,— дейди Комсомол районидаги «Красная заря» колхози боғдорчилик бригадасининг бошлиғи Йўлдош ака Раҳмонбердиев. Суратда: бригада бошлиғи колхоз анорзорида.

## ДАШТ ЭМАС, ГУЛБОҒ

Илгари бу ер ҳам дов-дарахтсиз, пастак-пастак пахса девордан қилинган зах уйлик кўримсиз қишлоқча эди. Ер деҳқонга тегиб, сув сероб бўлгач, одамлар уй-рўзғорга, чорбоққа кўнгил қўйдилар. Айниқса, кейинги ўн йил ичида мева боғлар учун қизиқиш кучайди. Ҳозир «Красная заря» колхози деса бутун Мирзачўл билади. Шу яқин орада бундан ободроқ, бундан сермева, сердарахтроқ қишлоқ бўлмаса керак. Лоф эмас, ҳозир бу колхозда анор экмайдиган хонадон йўқ.

Колхознинг ўзида 100 гектардан ортиқроқ боғ бор. 1954 йилда олти ярим гектар ерда анорзор ташкил қилинган эди. 2000 туп кўчатнинг ҳаммаси яхши ҳосил берипти. Агар бунга яхши меҳнат қилинса, ҳар тупи 30—40 килограммдан ҳосил бериши мумкин.

Мирзачўлнинг ери захкаш. Захкаш ерда айниқса узум, анжир, шафтоли, олхўри сингари мевалар мўл хосил беради. Биз олма дарахтини хам йил сайин кўпайтиряпмиз. Негаки, бу мева қишин-ёзин истеъмол қилаверадиган ноз-неъматларнинг биттаси. Меваси пишади-ю, узиб олаверасиз.

Ҳозир 30 гектарга яқин ерда олмазор бор. 50 хилдан ортиқ узумга эга бўлган 18 гектарлик токзор ташкил қилганмиз. Боғимизнинг таърифини кўп одамлар эшитган. Яқин 3—4 йил ичида биз уни шундай сўлим жой қиламизки, кўрган одам жаннат дейди.

**Й. РАҲМОНБЕРДИЕВ,**

**Комсомол районидаги «Красная заря» колхозининг боғ бригадири.**



Бекободдаги темир-бетон заводида иш қизғин. Завод маҳсулоти.—темир-бетон тарновларга талаб катта. Шу сабабли суръатни бўшаштириб бўлмайди. Бу ерда ишнинг деярлик ҳаммаси қудратли механизация воситалари билан бажарилади. Суратда корхонанинг лотоклар тайёрлайдиган полигони акс этган.

